# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 6 июнь, № 112 (8735) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЖСТГА ҚЎШИЛИШ БОРАСИДА КЎРИЛАЁТГАН АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июнь куни Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори доктор Нгози Оконжо-Ивеалани қабул қилди.**



Учрашувда мамлакатимизнинг ЖСТга қўшилиши борасида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қисқа муддат ичида Ишчи гуруҳнинг иккита йиғилиши ўтказилгани, аъзо мамлакатлар билан фаол музокаралар олиб борилаётгани, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш шартлари муҳокама қилина бошлангани ва миллий қонунчиликни ташкилотнинг меъёр ва қоидаларига мувофиқлаштириш ишлари давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, электрон савдо ва рақамли хизматлар экспортини ошириш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро савдони тартибга солиш масалалари бўйича ўзбекистонлик экспертларнинг салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, ЖСТнинг кўмаги билан Ўзбекистонда Савдо сиёсати бўйича компетенция марказини ташкил этиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари ЖСТ бош директорига давра суҳбатида иштирок этгани ва Ўзбекистоннинг етакчи университетлари талабалари билан учрашгани учун миннатдорлик билдириб, унга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони берилгани билан табриклади.

Учрашув якунида Нгози Оконжо-Ивеала Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АНҚАРАГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга Туркияга расмий ташриф билан келди.**

Пойтахтнинг “Эсонбуға” аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Олий мартабали меҳмонлар шарафига фахрий қоровул саф тортди.

6 июнь куни икки мамлакат етакчилари раислигида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтади.

Музокаралар доирасида Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, таълим ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинади.

Ташриф дастурига мувофиқ, илк бор икки мамлакат етакчи корхоналари ва компаниялари раҳбарлари билан қўшма учрашув ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**ЎзА.**

## ҲАЖ ТАДБИРЛАРИ ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мусулмонлар идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари муборак Ҳаж зиёратига тайёргарлик жараёнлари, юртдошларимиз учун яратилган шароитлар, уларнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради.

Шайх Нуриддин Холиқназар Шавкат Мирзиёевга, аввало, муборак жойларда ибодат файзи билан юрган ҳожиларимизнинг саломи ва дуоларини етказди.

Бу йил ҳам Ҳаж тадбирлари юқори савияда, тартибли ташкил этилгани таъкидланди. Ҳудудлардаги Ҳаж марказлари орқали ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди. Вазирлар Маҳкамаси бошчилигида Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тузилмалар ҳамкорлигида зиёратчилар учун барча шароит яратилди.

Айни пайтда қарийб 12 минг нафар юртдошларимиз Саудия Арабистонида бўлиб турибди. Жами 15 минг 130 нафар фуқаро Ҳаж ибодатига муяссар бўлади. Уларга 300 нафар гуруҳ раҳбари, 50 нафар олий тоифали шифокор, ошпазлар, таржимонлар ва бошқа кўмакчилар ҳамроҳлик қилади.

Бу каби эътибор ва шароитларни арабистонлик мутасаддилар ҳам юқори баҳолаб, Ўзбекистон Президентига ҳурмат ва дуоларини изҳор этмоқдалар.

Бу йилдан бошлаб бир янгилик — Саудия Арабистонида бўлиб турган диний соҳа ходимлари ҳамда қори зиёратчилар томонидан Қуръони каримни хатм қилиш йўлга қўйилди. Ҳозиргача 1 минг 515 та хатм ўқилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилинган.

Давлат раҳбари юртдошларимиз муқаддас Ҳаж ибодатини мукаммал адо этиб, соғ-омон келишларини тилади. Ўзбекистонга қайтгач ҳожилар жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ва оилалар тотувлигида ибрат бўлишларига умид билдирди.

Суҳбат самимий ва кўтаринки руҳда ўтди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 26 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) қуйидаги баёнотлар билан қўшилинсин:

1) **Гаага битими Женева актининг 7-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Ўзбекистон Республикаси кўрсатилган ҳар қандай халқаро талабнома муносабати билан ва шундай халқаро талабномани топшириш натижасида амалга оширилган ҳар қандай халқаро рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши муносабати билан, кўрсатилганлик учун қайд этилган бож Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида саноат намунасининг халқаро рўйхатдан ўтганлиги амал қиладиган давлат сифатида кўрсатилганлиги учун якка тартибдаги божга алмаштирилади»;

2) **Гаага битими Женева актининг 11-моддаси 1-банди (b) кичик банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, унинг қонунчилигида саноат намунаси тўғрисидаги маълумотларнинг нашр этилишини кечиктириш назарда тутилмаган»;

3) **Гаага битими Женева актининг 13-моддаси 1-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, айни бир талабнома объекти бўлган саноат намуналари ижодий ғоя бирлиги талабига жавоб бериши шарт»;

4) **Гаага битими Женева актининг 16-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Халқаро реестрдаги халқаро рўйхатга олинган алоҳида ёки барча саноат намуналарининг эгаси ўзгарганлиги тўғрисидаги ёзув Ўзбекистон Республикасининг Идораси ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларни олмагунича кучга эга бўлмайди»;

5) **Гаага битими Женева актининг 17-моддаси 3-банди (c) кичик банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, саноат намунасига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати беш йилни ташкил этади ва бу муддат ҳуқуқ эгасининг аризасига кўра бир неча марта беш йилга, бироқ халқаро рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан ҳисобланганда жами кўпи билан ўн беш йилга узайтирилиши мумкин»;

6) **Гаага битимининг 1999 йилдаги актига ва 1960 йилдаги актига доир умумий йўриқноманинг 13-қоидаси 4-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Ўзбекистон Республикасининг Идораси орқали берилган халқаро талабнома материалларини жўнатиш учун зарур бўлган бир ой муддат хавфсизлик талабларига риоя этилиши бўйича текширув ўтказиш учун зарур бўлган олти ой муддатга алмаштирилади»;

7) **Гаага битимининг 1999 йилдаги актига ва 1960 йилдаги актига доир умумий йўриқноманинг 18-қоидаси 1-банди (b) кичик банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги билдириш хатини тайёрлаш учун энг кўп муддат 12 ойдан иборатдир»;

8) **Гаага битимининг 1999 йилдаги актига ва 1960 йилдаги актига доир умумий йўриқноманинг 18-қоидаси 1-банди (c) (i) кичик банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, саноат намунасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро рўйхатдан ўтганлигининг амал қилиши унинг Идораси томонидан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Халқаро бюросига муҳофаза тақдим этилганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилган кундан эътиборан бошланади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 июнь
№ ЎРҚ—929

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Рим, 1961 йил 26 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 26 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Рим, 1961 йил 26 октябрь) қуйидаги қўшимча шартлар инобатга олинган ҳолда қўшилинсин:

1) **Халқаро конвенциянинг 6-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у фақат эшиттириш ташкилотининг бош қароргоҳи бошқа Аҳдлашувчи давлатда жойлашган ва узатиш айни ўша Аҳдлашувчи давлатдаги узатгич ёрдамида амалга оширилган тақдирда, эфирга узатиш муҳофазасини таъминлайди»;

2) **Халқаро конвенциянинг 16-моддаси 1-банди a) (iii) кичик банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у тайёрловчиси бошқа Аҳдлашувчи давлатнинг фуқароси ёки юридик шахси бўлмаган фонограммаларга нисбатан 12-моддани қўлламайди».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 июнь
№ ЎРҚ—930

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАР ТУРКУМИНИ ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кинематография соҳасини янги босқичга кўтариш, миллий давлатчилигимизнинг уч минг йилдан зиёд тарихини, буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросини акс эттирувчи фильмлар туркумини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

**1.** Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамда илмий-ижодий жамоатчиликнинг таклифлари асосида **2024 — 2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” фильмлар туркумини яратиш дастури** (кейинги ўринларда — “Тирик тарих” дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу дастур орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилансин:

халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданияти, азалий қадрият ва анъаналари, эзгу орзу-интилишларини чуқур илмий асосларга таяниб, тўлақонли акс эттириш;

Ватан озодлиги ва равнақи йўлида кураш олиб борган буюк саркарда ва давлат арбобларининг мураккаб ҳаёти ва давлатчилик фаолиятини холис ва ҳаққоний кўрсатиб бериш;

тарихимизда ёрқин из қолдирган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, аллома ва мутафаккирлар, шоир ва адиблар, маърифатпарвар жадид боболаримиз, атоқли санъаткорларнинг илмий-ижодий мероси, уларнинг умумбашарий тамаддун ривожига қўшган муносиб ҳиссасини юксак ғоявий-бадиий савияда намойиш этиш.

**2.** Қуйидагилар:

а) **Кинематографияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича миллий комиссия** (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) тузилсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий комиссиянинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

“Тирик тарих” дастури доирасида ҳамда давлат буюртмаси асосида яратиладиган фильмларни молиялаштириш манбаларини белгилаш ва фильмларни ишлаб чиқариш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш;

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ТАШАББУСИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

**БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон таклифи билан ишлаб чиқилган Марказий Осиёда гиёҳвандлик моддалари савдоси ва гиёҳвандликка қарши курашишга қаратилган резолюцияни бир овоздан қабул қилди**



*Жорий йил 4 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан “Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва бартараф этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракатланиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлиги” резолюциясини бир овоздан қабул қилди, деб хабар бермоқда “Дунё” АА мухбири.*

Резолюцияга 30 дан ортиқ аъзо давлатлар ҳаммуаллифлик қилди.

Ҳужжат лойиҳасини Бош Ассамблеяда тақдим этар экан, Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили Улуғбек Лапасов резолюция концепцияси Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи асосида ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, ушбу нутқда давлатимиз раҳбари томонидан Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларини қамраб оладиган Гиёҳвандликка қарши умумий Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилганини алоҳида қайд этиш жоиз.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАР ТУРКУМИНИ ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

киноиндустрияни иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, жумладан, имтиёз ва преференцияларга эга махсус кино ҳудудлари ташкил этиш, замонавий моддий-техник базага эга инфратузилмани яратиш ҳамда кинопрокат тизимини ривожлантириш чораларини кўриш;

фильмлар ишлаб чиқаришда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, алоҳида масалалар бўйича ишчи гуруҳлар тузиш, муҳофаза қилинадиган ҳудуд ва объектларда суратга олиш, махсус ва ҳарбий техникаларни жалб қилиш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш;

миллий фильмларни хорижий кинобозор ва кинофестивалларда кенг тарғиб қилиш, фильмларни ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар, нодавлат ташкилотлар ҳамда ҳомийларни жалб қилиш;

миллий кинематография соҳаси ижодкорлари, мутахассислари ва соҳа вакилларини рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш, халқаро кинофестиваллар ғолибларини тақдирлаш тизимини йўлга қўйиш;

Кинематография агентлиги қошида ташкил этиладиган, "Тирик тарих" туркумидаги фильмларнинг бюджетини кўриб чиқиш ва эксперт хулосасини бериш фаолияти билан шуғулланувчи, кино соҳаси бўйича иқтисодчи ва молиячи мутахассислардан иборат Экспертлар гуруҳининг таркиби ва хулосаларини тасдиқлаш;

"Тирик тарих" дастури ижроси билан боғлиқ жорий ишларнинг масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида Кузатув гуруҳи тузиш. Кузатув гуруҳи ҳисоботлари ва таҳлилий маълумотлари ҳар ой якунлари бўйича Миллий комиссия раисига ва навбатдаги йиғилишларга киритиб борилишини таъминлаш.

б) **Фильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини оширишга кўмаклашувчи миллий кенгаш** (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) тузилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Миллий кенгашнинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

кино санъатини жамиятнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим стратегик восита сифатида шакллантириш;

"Тирик тарих" дастури доирасида яратиладиган фильмларнинг ғоявий ва бадиий мазмуни, адабий ва режиссёрлик сценарийларининг юксак савияда бўлишини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, ижодий гуруҳларга нисбатан аниқ вазифа ва талаблар белгилаш ҳамда тайёрланган кинолойиҳаларни кўриб чиқиб баҳолаш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган киномаҳсулотларни мувофиқлаштириш, уларни яратиш учун устувор мавзулар ва жанрлар бўйича квоталарни белгилаш, шунингдек, Миллий комиссияга ишлаб чиқариши бошланган кинолойиҳаларнинг ҳажмини ошириш (қисқартириш) ёки вақтинча тўхтатиб туриш бўйича таклифлар киритиш;

"Тирик тарих" дастуридаги кинолойиҳаларни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган тарихий фактлар ва маълумотларни аниқ ва ишончли асосда тўплаш ва амалий маслаҳатлар бериш мақсадида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қошида тегишли соҳа мутахассисларидан иборат экспертлар илмий гуруҳини ташкил этиш. Ушбу гуруҳ томонидан тайёрланган таҳлилий материалларни Миллий кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиб боришни йўлга қўйиш.

Кинематография агентлиги Миллий комиссия ва Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин ҳамда уларга ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар ва мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда ҳисобот киритиб борсин.

**3.** Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ "Тирик тарих" дастури доирасида:

фильмларни ишлаб чиқаришда Фанлар академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа илмий-маърифий муассасалар тарихий-илмий ва бадиий масалалар бўйича асосий ҳамкорлар ҳисобланади;

Миллий кенгаш таклифлари асосида Миллий комиссия томонидан фильмларни ишлаб чиқаришнинг аниқ муддатлари кўрсатилган режаси тасдиқланади;

фильмлар ишлаб чиқариш учун **кинолойиҳаларни тайёрлаш бўйича танлов** ташкил этилади ва энг яхши кинолойиҳалар танлаб олинади;

кинолойиҳаларга мувофиқ фильмлар ишлаб чиқариш учун **тақдимот шаклидаги танловлар** (питчинг) **асосида кинокомпаниялар аниқланади**;

фильмларни ишлаб чиқариш бюджети хорижий тажриба асосида бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади;

бадиий ва бадиий-публицистик фильмлар замонавий хорижий форматда яратилади ҳамда уларнинг намойиши кинотеатрлар ва миллий телеканалларда, шунингдек, хорижий тилларга дубляж қилиниб, чет эл телеканаллари ва стриминг платформаларида ташкил этилади;

фильмларни Ўзбекистонда шаклланган дубляж санъати мактаби анъаналарини давом эттирган ҳолда хорижий тилларга таржима ва дубляж қилиш бўйича танловлар ташкил қилинади ҳамда зарур чора-тадбирлар амалга оширилади;

фильмларни ишлаб чиқаришда устувор равишда "Ўзбекфильм" киноконцерни" ДУКга импорт шартномаси асосида етказиб бериладиган кино ускуналаридан ижара асосида фойдаланилади, бошқа тадбиркорлик субъектларининг кино ускуналари замонавий ва ижара тўлови арзон бўлган ҳоллар бундан мустасно;

"Ўзбекфильм" киноконцерни" ДУК таркибидаги мавжуд суратга олиш павильонлари ва улардаги 3D ўлчамдаги экранлардан, биринчи навбатда, "Тирик тарих" дастури доирасидаги фильмларни ишлаб чиқаришда фойдаланилади;

фильмларнинг бошланғич материаллари учун "Ўзбекистон миллий кинофонди" давлат муассасасида алоҳида маълумотлар базаси шакллантирилади ва улар махсус сервер қурилмаларида сақланиши таъминланади;

фильмларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш доирасида республика бўйлаб профессионал ва ҳаваскор кино актёрларининг электрон каталоги шакллантирилади;

республикада фаолият юритаётган киностудиялар ва театрларда сақланаётган тарихий либослар инвентаризациядан ўтказилади, даврларга мансублигидан келиб чиқиб, уларнинг онлайн электрон каталоги яратилади;

"Тирик тарих" туркумида ишлаб чиқариладиган кинолойиҳалар алоҳида белги (логотип) асосида яратилади.

**4.** Кинематография агентлигига маҳаллий ва хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорлик (co-production) асосида "Тирик тарих" дастури доирасидаги фильмларни яратишга рухсат берилсин ҳамда ушбу ҳамкорликда фильмларни шартнома асосида ишлаб чиқариш ва тарғиботини амалга ошириш учун қўшимча маблағларни йўналтиришга қаратилган зарур чоралар кўрилсин.

**5.** Белгилансинки:

давлат буюртмаси асосида киномаҳсулотларни ишлаб чиқаришга уларнинг бадиий концепцияси ҳамда молиялаштириш ҳажми ва манбалари Миллий комиссия ва Миллий кенгашнинг ижобий хулосалари асосида рухсат берилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, давлат улуши мавжуд хўжалик бирлашмаларига бюджетдан ташқари маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тегишли соҳаларга оид фильмлар ишлаб чиқаришга маблағларни йўналтиришга рухсат этилади.

**6.** Мамлакатда кинотеатрлар тармоғини ривожлантириш мақсадида республиканинг ҳар бир туманида (шаҳрида) кинотеатрлар барпо этиш, таркибида кинозаллари сони 2 тадан ва томошабинлар сиғими 300 кишидан кам бўлмаган савдо-кўнгилочар комплексларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат-хусусий шериклик асосида бепул ажратилади.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** ушбу тизимни самарали ташкил қилиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини қабул қилсин.

**7.** Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ва Миллий кинематографияни ривожлантириш марказининг Тошкент шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 15-уйда жойлашган "Киночилар уйи"ни **"Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи"** деб қайта номлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

Ўзбекистон Миллий кино санъати саройи миллий ва ретро фильмларнинг тарғиботини амалга ошириш, киносанъаткорларнинг ижодий кечалари, учрашувларини ўтказиш, ёш киночиларнинг маҳоратини ошириш ва "Устоз — шогирд" анъаналарини давом эттиришга хизмат қиладиган ижодий маскан сифатида фаолият юритади;

вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ҳар чоракда камида бир маротаба Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, экскурсиялар ташкил қилади ҳамда фильмлар намойишларига шартнома асосида жалб қилинади.

**8.** Миллий комиссия (А.Арипов):

уч ой муддатда илғор хорижий тажриба асосида миллий кинематографияни янада ривожлантириш, инвестиция маблағларини жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва соҳада бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

2025 йил 1 июнга қадар "Ўзбекфильм" киноконцерни" ДУКни замонавий кино қурилмалари, технологик тизимлар ва мультимедиа маҳсулотлари билан жиҳозлаш ишларини якунласин.

**9.** 2025 йил 1 январдан бошлаб Кинематография агентлигининг иқтисодий ва ижодий жиҳатдан фаолият мустақиллигини таъминлаш мақсадида унга ажратиладиган бюджет маблағларини алоҳида харажатлар иқтисодий таснифининг бир сатрида ўтказиб бериш амалиёти жорий этилсин.

Бунда Кинематография агентлигининг марказий аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатлар тақсимоти ҳамда ойлик иш ҳақи миқдорлари, ходимларни рағбатлантириш тўловлари Кинематография агентлиги тақдимномасига кўра Миллий комиссия томонидан белгиланади.

**10.** Маданият вазирлиги уч ой муддатда олий таълим муассасаси шаклидаги Ўзбекистон халқаро кинематография академияси (кейинги ўринларда — Киноакадемия)ни ташкил қилиш ҳамда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб унинг фаолиятини йўлга қўйишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**11.** Киноакадемия Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекфильм" киноконцерни" ДУК ҳудудидаги бинога (собиқ Тасмани қайта ишлаш цехи) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

**12.** Ўзбекистон миллий кинематографияни ривожлантириш маркази қошида **кинематография соҳаси учун ўрта махсус мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мактаби** (кейинги ўринларда — киномактаб) ташкил қилинсин. Бунда:

тарихий-жанговар (блокбастер) фильмларни яратиш бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда алоҳида гуруҳлар ва курслар (каскадёрлар, пиротехниклар, гримчилар, тарихий либос ва чироқ усталари ҳамда бошқаларни тайёрлаш) фаолияти йўлга қўйилади;

киномактабда кинематография соҳаси учун ўрта махсус мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган ўқув курслари, семинар тренинглар, маҳорат дарслари ташкил этилади;

киномактабда таҳсил олган ушбу касб эгалари (ёрдамчи режиссёрлар, операторлар, рассомлар, чироқчилар ва бошқалар), биринчи навбатда, "Тирик тарих" дастуридаги фильмларни ишлаб чиқаришга жалб қилинади.

Киномактаб Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уйда жойлашган "Ўзбекфильм" киноконцерни" ДУК ҳудудидаги 2 қаватли бинога (собиқ Чилонзор тумани Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2024 йил якунига қадар Киноакадемия ва киномактаб биноларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–459-сон қарорида 2024 йил учун белгиланган маблағлардан иқтисод қилинган қисми ҳисобидан амалга ошириш чораларини кўрсин.

**14.** Маданият вазирлиги Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг кинематография соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги тегишли қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**15.** Республикадаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, ўрта мактабларда кинолекторийлар, туман (шаҳар)ларда жойлашган маданият марказларида миллий фильмларнинг бепул намойишлари ташкил этилсин. Бунда:

маданият марказларида кинозаллар ташкил қилинади ҳамда улар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан жиҳозланади;

ушбу намойишлар Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази ҳузуридаги ахборот-мультимедиа стриминг платформаси (uzbekkino.uz) орқали амалга оширилади.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

**17.** Кинематография агентлиги:

а) Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2024 йил 1 октябрга қадар халқаро тажрибани ўрганган ҳолда юртимизда **"эркин иқтисодий кинохудудлар"** ва **"Синема парк"** ташкил қилиш бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

б) икки ой муддатда:

Кинематографияни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича миллий комиссия ҳамда Фильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини оширишга кўмаклашувчи миллий кенгаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

республика ҳудудларида киноижодкорлар ва маънавият тарғиботчилари иштирокида "Кинокарвон" тадбирларини тизимли ўтказиб бориш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**18.** Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор мазмуни ва ижросини кенг ёритиш тавсия этилсин.

**19.** Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб маданият вазири О.А.Назарбеков ва Кинематография агентлиги директори вазифасини бажарувчи Ш.Т.Ризаев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 5 июнь

## Элчи Олган БЕКАР:

# ТУРКИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ



*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди. Ташриф доирасида 6 июнь куни Анқара шаҳрида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтади.*

*Ўзбекистон — Туркия саммити арафасида Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Олган БЕКАР "Дунё" ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берди.*

**— Жаноб элчи, кейинги йилларда Ўзбекистон — Туркия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Суҳбатимизни Ўзбекистон — Туркия алоқаларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.**

— Сўнгги етти йил ичида Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларда янги давр бошланди ва ушбу ҳамкорлик кундан-кунга жадал суръатларда ривож топмоқда. Бу жараёнда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч, ҳурмат ва дўстликка асосланган муносабатлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йилда мамлакатимизга ташрифи чоғида муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилди. 2018 йилда Туркия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эса Стратегик ҳамкорлик кенгаши ташкил қилинди. Ушбу омиллар ўзаро муносабатларимизни институционаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Олий даражадаги мунтазам учрашув ва мулоқотлар икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш баробарида барча соҳада ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида Стратегик режалаштириш гуруҳи, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия, Туризм қўшма комиссияси ва бошқа мунтазам маслаҳатлашув ва ҳамкорлик механизмлари мавжуд. Мазкур платформалар ўзаро алоқаларнинг янги "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш ва қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатмоқда.

Қайд этиш керакки, бугун Туркия ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва қардошликка асосланган муносабатлар модели яратилган. Иқтисодиёт ва савдо, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, маданият, таълим ва мудофаа саноати каби соҳаларда икки томонлама ҳамкорлигимиз тобора ортиб бормоқда. Туркия янги Ўзбекистоннинг "Учинчи Ренессанс" ислоҳотлар дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, турк компаниялари ўз билим ва тажрибасини ўзбек шериклари билан бўлишишга ҳамда Ўзбекистон инфратузилмасини ривожлантиришга ҳисса қўшишга тайёр.

37 миллион аҳолига эга Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ҳамда минтақавий интеграцияни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Туркия ҳам ўзининг икки томонлама алоқалари орқали ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро боғлиқликнинг янада мустаҳкамланишига ишонамиз. Шунингдек, Туркия Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг фаровонлиги, ривожланиши ва барқарорлигини қўллаб-қувватлашда давом этади.

**— 6 июнь Анқара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилади. Йиғилиш кун тартиби ва кутилаётган натижалар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ва Туркия алоқаларини янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилинади. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг 2020 ва 2022 йилларда олий даражадаги иккита йиғилиши бўлиб ўтган.

Бу галги Анқара саммитига тайёргарлик доирасида 2023 йил 26-27 сентябрь кунларида ташқи ишлар вазирлари даражасидаги қўшма Стратегик режалаштириш гуруҳи йиғилиши ўтказилди. Шунингдек, 2023 йил 26 декабрда қўшма савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилиши ва 2024 йил 14 — 16 январь кунлари эса Мудофаа саноати ҳамкорлиги кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, фан, технология, таълим, қишлоқ хўжалиги каби турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги вазифалар белгилаб олинади. Туризм, соғлиқни сақлаш ва маданий алоқаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Саммит олдидан Ўзбекистон — Туркия бизнес форуми бўлиб ўтди. 6 июнь куни эса икки давлат раҳбарлари иштирокида ишбилармон доира вакиллари билан давра суҳбати ташкил этилади. Қисқа айтганда, ҳар икки давлат раҳбарлари томонидан белгиланган умумий мақсад доирасида 2023 йилда 3 миллиард АҚШ долларидан ошган ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш учун аниқ қадамлар белгилаб олинади.

Йиғилиш доирасида икки давлат раҳбарларининг муносабатларида эришилган юксак даражани акс эттирувчи Қўшма декларацияни имзолаш ҳам режалаштирилган. Бундан ташқари, алоқа, кадастр, касб-ҳунар таълими, божхона, космик фанлар, биродарлашган шаҳарлар ва стандартлаштириш каби соҳаларда кўплаб шартномалар имзоланиши кўзда тутилган. Энг муҳими, мақсадимиз битта, у ҳам бўлса муносабатларимизни янада мустаҳкамлашдир. Ўзбекистон томонининг, Президентларнинг ҳам фикри шундай. Модомики, мақсад бир, ният муштарак экан, биз, масъуллар учун ишлаш бағоят осон кечади. Аминманки, давлатларимиз раҳбарлари намойиш этган ирода доирасида муносабатларимиз келгуси йилларда бундан-да юқори даражаларга кўтарилади.

Шунингдек, музокаралар давомида томонлар халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашадилар.

**— Ўзбекистон — Туркия муносабатларини иқтисодий дипломатиясиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада мамлакатларимиз ўртасидаги вазият қандай ва бугунги глобаллашув даврида қайси соҳаларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Юқорида айтиб ўтганимдек, икки томонлама сиёсий муносабатларимиз мукаммал даражада давом этиб келмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш учун савдо ҳамкорлигимизнинг аҳамияти катта. Алоқаларимизнинг моҳиятига қарайдиган бўлсак, савдо ришталари олдинги ўринларга чиққанини пайқаш мумкин. Туркиянинг Ўзбекистон ташқи савдоси ҳажмидаги улуши 2017 — 2023 йилларда 16 фоизга ошди. Мақсадимиз ўзаро импорт ва экспортни диверсификация қилиш ва ошириш ҳамда қўшма лойиҳаларни кўпайтириш орқали бу кўрсаткични янада яхшилашдир. Шу мақсадда янги йўналишларни аниқлаб, тегишли чоралар кўришни ўз олдимизга белгилаб олганмиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги қўшма савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия савдо-иқтисодий алоқалар нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Бу механизм ишбилармон доира вакиллари ва Савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қиляпти. Комиссияга Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз ва Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров ҳамраислик қилмоқда. Комиссиянинг 2023 йил 26 декабрда Анқара шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида 107 моддадан иборат "Ҳаракатлар режаси" тузилди. Мазкур дастур ижросини таъминлаш мақсадида икки мамлакатнинг тегишли муассаса ва ташкилотлари, тадбиркорлари, Савдо-саноат палаталари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Туркия Ўзбекистоннинг энергетика ва инфратузилма лойиҳалари, шаҳар тизимларини ривожлантириш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёр. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлигимизни тармоқлар асосида ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Жорий йилда Ўзбекистон ишбилармон доира вакиллари мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида бўлди. Сафар давомида бўлиб ўтган учрашув ва музокараларда мебелсозлик, шиша, тилла ва заргарлик буюмлари, чарм ва тиббиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда тажриба алмашиш бўйича "йўл хариталари" белгилаб олинди.

Биз, шунингдек, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигимизни минтақавий доирада ҳам ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Биргаликда минтақада йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишимиз учун катта салоҳият мавжуд. Шу нуқтаи назардан, 2023 йил 16 мартда Анқарада имзоланган Туркий инвестиция жамғармаси тўғрисидаги Битим Ўзбекистон томонидан 2023 йил 1 ноябрда маъқулланганидан мамнунмиз. Туркий инвестиция жамғармаси доирасида ҳам икки томонлама ҳамкорлигимизни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

**— Дипломатик фаолиятингиз давомида мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида бўласиз. Умуман, жойлардаги инвестициявий муҳит, айниқса, хорижий ишбилармонлар учун яратилган шароитлар ҳақидаги фикрларингиз биз учун қизиқ.**

— Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти кенг имкониятлар ва салоҳиятга эга. Бу ҳақда жуда кўп ижобий фикрлар айтишим мумкин. Ўзим Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Хива, Нукус шаҳарларига тез-тез бориб тураман. Биз нафақат Тошкентдаги, балки Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида фаолият олиб бораётган Туркия ташкилотлари, ишбилармон доира вакиллари, ҳатто ўзбек биродарларимиз билан тез-тез учрашиб, тадбиркорлик имкониятларини баҳолаймиз.

Маълумки, Самарқанд шаҳрида Туркия Бош консулхонаси фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда ишлаётган турк компаниялари Тошкентдан бошқа шаҳарларга ҳам инвестиция киритмоқда. Биз инвестицияларнинг бутун мамлакат бўйлаб жойлашувини қўллаб-қувватлаймиз.

Бугунги кунда Туркия ва Ўзбекистон ўртасида ҳафтада 90 га яқин ўзаро рейслар йўлга қўйилган. Парвозлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона шаҳарларига амалга оширилмоқда. Мана яқинда Нукус шаҳри ҳам булар қаторига қўшилди. Бу нимадан далолат беради?

Парвозлар сони нақадар кўп бўлса, мулоқот шу қадар ортади. Бунга мос равишда савдо-иқтисодий, инвестициявий муносабатлар ўсади. Жойларга саёҳат қилсангиз, у ерда бизнес ишларини юритаётган турк тадбиркорларини кўп учратишингиз мумкин. Ўзбекистон Президенти жаноблари ҳудудларга сафар қилганларида жойлардаги турк тадбиркорлари билан ҳам учрашадилар, биз бундан жуда хурсанд бўламиз. Биз бу йўналишда тўхтаб қолмаймиз, олдимизда ҳали кўп ишлар бор. Муҳими, умумий ирода ва хоҳиш мавжуд.

**— Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари, ички ислоҳотлари ва ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Янги Ўзбекистон номи билан "Учинчи Ренессанс"ни амалга ошириш чораларини жуда муҳим ва қадрли, деб биламиз. Ушбу ислоҳотлар сиёсатини Туркия тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Керак вақтда ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашяпмиз. Ўзбекистонлик дўстларимиз учун мутахассислар, консультантлар юборяпмиз. Ўзбекистон нафақат ўзини такомиллаштираётган давлат, балки у ўз минтақасида тинчлик маконига ҳам айланди. 2017 йилдан кейинги даврни кузатадиган бўлсак, давлат қўшни мамлакатлар билан икки томонлама алоқаларни ривожлантираётганини, мавжуд масалаларга биргаликда ечим топиб, ўзаро иқтисодий манфаатга таянувчи ҳамкорлик ўрнатилаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Натижада эса Туркий давлатлар ташкилоти ва Марказий Осиё етакчилари форуми жуда фаоллашиб бормоқда. Буларнинг барчаси Марказий Осиёнинг қалби — Ўзбекистон ташлаётган одимлар орқали эканини бемалол айта оламиз. Яна бир карра таъкидлайман, биз янги Ўзбекистоннинг ислоҳотлар сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Ҳам минтақавий, ҳам халқаро миқёсда ҳамкорлигимизни, бирдамлигимизни янада мустаҳкамлаймиз.

**— Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларнинг ривожи ҳақида ҳам тўхталсангиз...**

— Турклар ва ўзбеклар дўст ва қардош халқлар сифатида тарихий муштарак қадриятларга эга. Биз икки давлат фуқароларини ягона халқ деб биламиз. Бугун Туркияда кўчадан ўтаётган одамдан сўрасангиз, улар Ўзбекистон фуқароларини "ўзбек биродарларим" деб аташади. Бундай яқинликни икки давлат ўртасидаги ўзаро сайёҳлик алмашинувлари ҳам тасдиқлайди. Туркия ва Ўзбекистон фуқаролари мамлакатларимиз бўйлаб визасиз саёҳат қилишлари мумкин. 2023 йилда Туркияга 470 мингдан ортиқ ўзбекистонлик сайёҳлар борган. Туркия фуқаролари Самарқанд, Бухоро ва Хива, шунингдек, Тошкент шаҳарларини кўришга кўпроқ қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистонда турк сериаллари ва теледастурлари катта қизиқиш билан томоша қилинишидан хабардормиз. Шунингдек, Туркия стипендиялари дастури доирасида кўплаб ўзбекистонлик талабалар мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Бундан ташқари, икки давлатда ҳам кўплаб ўзбеклар ва турклар истиқомат қилади. Бурса Улудағ университети қошидаги Ўзбек тили ва маданияти маркази яқинда ишга тушди.

Инсоний ва маданий соҳалардаги бундай ўзгаришларнинг барчаси қардошлик ришталари доирасидаги тил ва маданиятимиз муштараклигининг табиий натижасидир. Шу билан бирга, умумий қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда маданий-гуманитар жабҳадаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, халқларимиз ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йўлида янги имкониятларни ишга солиш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

**«Дунё» АА.**

**Сўнгги беш йилда Туркиядан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 10 баробар ошди.**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ТАШАББУСИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

1

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш бўйича 2024 — 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг асосини ташкил этувчи концептуал қоидалар инобатга олинган.

Резолюцияда таъкидланганидек, Марказий Осиёда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш минтақада гиёҳвандлик моддалари савдоси ва гиёҳвандликка қарши кураш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистоннинг янги сиёсати туфайли минтақада юз бераётган ижобий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилган.

Минтақа давлатларининг мавжуд ижобий тажрибаси асосида гиёҳвандлик муаммосини ҳал қилишга глобал ёндашув доирасида гиёҳвандликка қарши самарали ҳамкорликка интилиши таъкидланган.

Резолюцияда аъзо давлатлар Марказий Осиё мамлакатларининг гиёҳвандликдан холи жамиятни фаол тарғиб қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини, бу борадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга содиқлигини, гиёҳвандлик билан боғлиқ масалалар бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишларини ижобий қайд этадилар.

Хусусан, ҳужжатда гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш, стратегик ташаббус ва чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Ҳудудий электрон маълумотлар базасини жорий этиш, сўровномалар ва тадқиқотлар ўтказиш, ахборот технологиялари ҳамда ижтимоий тармоқлардан гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш, виртуал валюталарни тартибга солиш, наркобизнес, жумладан, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари билан алоқадорлиги нуқтаи назаридан молиявий асосларга путур етказиш каби аниқ амалий чоралар кўриш муҳимлигига эътибор қаратилган.

Резолюция, шунингдек, аъзо давлатлар, БМТнинг тегишли тузилмалари, халқаро молия институтлари ва бошқа манфаатдор томонларни гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама ҳал этишда Марказий Осиё бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашга чақиради.

Бош Ассамблея ялпи мажлиси муҳокамаларида делегациялар резолюцияни қўллаб-қувватлаб, ушбу муҳим резолюцияни илгари суришда Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирдилар. Мазкур ҳужжат жаҳонда гиёҳвандлик муаммосига қарши глобал комплекс курашга катта ҳисса қўшиши алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, сўзга чиққан делегатлар Ўзбекистон делегациясининг консенсус натижага эришиш учун "Ўзаро мақбул муроса ва ечимлар"ни топиш бўйича изчил саъй-ҳаракатларини таъкидладилар. "Ҳужжатни очиқ, ошкора ва инклюзив тарзда кўриб чиқиш", шунингдек, унинг консенсус асосида қабул қилиниши яхши ижобий ҳолат яратиши ва "БМТда гиёҳвандликка қарши бошқа ташаббуслар бўйича консенсусга эришиш учун яхши асос бўлиши" билдирилди.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк

Мулоқот

# САВДО АЛОҚАЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Миср халқаро ҳамкорлик бўйича ишбилармонлар кенгаши делегацияси аъзолари билан учрашди.*

Учрашувда Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, савдо-иқтисодий, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг мунтазам ва самарали мулоқотлари туфайли Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги кенг қамровли шериклик муносабатлари жадал ривожланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон ва Миср ўртасида барча даражадаги мулоқот ва алмашинувлар давом этаётир. Ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони ортиб бораётганлиги, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва туризм соҳаларида ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Мулоқот чоғида икки давлат ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва мавжуд салоҳиятни тўлиқ ишга солиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, келгусидаги истиқболли ҳамкорлик режалари муҳокама қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

*Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишга доир янги механизмларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.*



Ҳарбий хизматчилардан келиб тушаётган мурожаатларнинг мазмуни, кўлами ва уларда кўтарилган масалалар ҳал этилганлиги даражаси ушбу вазифалар ижросини баҳоловчи сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кеча Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган мажлисда шу ҳақда сўз юритилиб, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Мажлисда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан ҳарбий хизматчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолати бўйича батафсил маълумот берилди. Шу билан бирга, ҳарбий хизматни ўташ учун қулай ва хавфсиз шарт-шароитларни, замонавий инфратузилмани яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига муносиб турмуш шароитини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Ҳарбий прокуратура масъуллари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили сўзга чиқиб, уларга ҳарбий хизматчилардан келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масалалар ва уларнинг ечими борасида бажарилган ишлар ҳақида ахборот берди.

Шу билан бирга, 2023 йил 13 мартдаги "Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида белгиланган бир қатор вазифалар ҳамда уларнинг ижроси ҳолати ҳам муҳокама марказида бўлди.

Мунозаралар давомида депутатлар ҳарбий хизматчилар билим ва салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мурожаатларда кўтарилган масалаларни тизимли равишда ҳал этиш борасида таклифлар билдирилди.

Эшитувда берилган ахборот, билдирилган фикр ва мулоҳазалар якуни бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилиниб, унда вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган бир қанча таклифлар ўз аксини топди.

**Нодира ЖОНИБЕКОВА, Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузини кўтариш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қўмита мажлисида бу борадаги саъй-ҳаракатлар атрофлича кўриб чиқилиб, бажарилиши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратилди ва бу бўйича зарур тавсиялар берилди.*

Сенат қўмиталарида

# НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.*
*Унда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилаётган қонунлар ҳамда бошқа масалалар дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.*



Хусусан, "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун чуқур таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларга бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқ ва тенг шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Аммо ҳозирги тезкор замон бу тоифадаги инсонлар учун ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш имкониятини берувчи қўшимча шарт-шароит яратишни тақозо этаётгани ҳам бор гап. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришни кун тартибига олиб чиқди.

Янги қонун билан "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунга ногиронлиги бўлган шахсларнинг одил судловдан фойдаланишга, сайлаш ва сайланишга, референдумда иштирок этишга, шунингдек, таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча шарт-шароит яратилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шу маънода, ушбу қонун инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади, дейиш мумкин.

Қўмита мажлисида "Маъмурий ислоҳотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, мазкур қонун олий таълим, фан ва инновациялар, мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифатини оширишда айни муддаодир.

Қонун билан айрим қонун ҳужжатларига бир қатор республика ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий ислоҳотлар доирасида трансформация қилиниши натижасида уларнинг расмий номланишини ва ваколатларини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, "Таълим тўғрисида"ги Қонунга ўрта махсус, профессионал, олий таълимни ҳамда олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини ташқи баҳолашнинг янги тизими жорий этилишини, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни, шунингдек, нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича ваколатлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ўртасида тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Мажлис якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

# ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАР РАТИФИКАЦИЯСИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда сенаторлар, масъул вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари доимий комиссиялари вакиллари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига киритилиши режа қилинаётган "Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот маркази Уставига (Рим, 2013 йил 29 ноябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида"ги ҳамда "Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасини (Сингапур, 2006 йил 27 март) ратификация қилиш ҳақида"-ги қонунлар муҳокама марказида бўлди.

Сенаторлар таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг халқаро тадқиқот маркази Уставига қўшилиши мамлакатимизда реставрация қилиш бўйича халқаро тажрибани муваффақиятли жорий этиш имконини беради. Қолаверса, бу илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш ва Ўзбекистоннинг маданий меросини бутун дунёга танитиш ҳамда шу соҳада ишлаётган ходимларнинг малакасини тизимли равишда оширишда ҳам қўл келади.

Ўз навбатида, "Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисидаги Сингапур шартномасини (Сингапур, 2006 йил 27 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун ҳар хил турдаги товар белгилари кўринишидаги интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга қаратилган.

Айтиб ўтилганидек, Сингапур шартномасини ратификация қилиш товар белгиларини ҳимоялашдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларига шартномада иштирок этувчи барча мамлакатларда тенг ҳуқуқларга эга бўлиш имконини беради.

Мажлис давомида миллий қонунларнинг мазкур халқаро ҳужжатлар қоидаларига мувофиқлиги, улар қабул қилинишидан кутилаётган натижалар ҳамда амалга ошириш механизмлари атрофлича муҳокама этилди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Наркологик касалликлар профилактикаси:
# ҚОНУН ИЖРОСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган сайёр йиғилиш ўтказилди.*

Қайд этилганидек, мамлакатимизда наркологик касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш, уларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, ҳудудларда унинг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Наркология муассасаларини тиббиёт ускуналари билан таъминлаш (қўшимча жиҳозлаш) учун 2022 йилда 8,1 млрд. сўм, 2023 йилда 24,5 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар доирасида зарур тиббий жиҳозлар харид қилинган ва республикадаги наркология муассасаларига етказилган.

Шунингдек, наркология хизматининг замонавий тузилмаси, вазифалари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, наркология муассасаларининг янгиланган штат нормативлари ишлаб чиқилган.

Тадбирда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, жойларда айрим муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, 2-сонли Фарғона наркология диспансери учун сотиб олинган рақамли рентген ускунаси ушбу муассасада тегишли хона мавжуд бўлмагани сабабли фойдаланилмасдан ташқарида сақланаётгани эътирозга сабаб бўлди.

Республика бўйича нарколог шифокор штатлари бандлиги масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Парламент аъзолари ушбу йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Муҳокама давомида депутатлар "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги ҳамда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунларда белгиланган нормаларнинг ижросини таъминлаш бўйича бир қатор тавсияларни билдирди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Қонунчилик палатаси депутати:**

*— Наркологик касалликлар профилактикасини таъминлаш ва уларни даволаш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш бугун, ҳақиқатан ҳам, долзарб. Шу боис йиғилишда наркологик касалликларни эрта аниқлаш, ташхис қўйиш, унинг олдини олиш, даволаш ҳамда беморларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини янада яхшилаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзига оид тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилди.*

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

*Пойтахтимиздаги Форумлар саройида Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг VIII мажлиси бўлиб ўтди.*
*Икки мамлакат вазирлик ва идоралари раҳбарлари, ишбилармон доира вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси президиуми аъзоси Манфред Грундке ҳамраислик қилди.*

Анжуман

Йиғилишда давлатларимиз раҳбарларининг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати туфайли бугун Ўзбекистон ва Германия муносабати стратегик ҳамкорликнинг мутлақо янги даражасига кўтарилгани таъкидланди. Зеро, Германия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг йирик савдо ҳамкорларидан бири ҳисобланади.

Маълумотга кўра охирги олти йилда ўзаро савдо айланмаси икки карра ошди. 2023 йил якуни бўйича товар айирбошлаш миқдори 1 миллиард долларни ташкил этган. Мамлакатимизда немис капитали иштирокидаги қўшма корхоналар сони уч баробар кўпайди. Бунда Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши фаолияти муҳим аҳамият касб этаётгани айтилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 2 май куни бўлиб ўтган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланганини таъкидлаган эди. Зеро, юртимизда охирги етти йилда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун муҳим қарорлар қабул қилинди. Ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнес учун қулай шароит яратишга қаратилган ислоҳотлар натижасида 200 дан ортиқ лицензия ва рухсатнома бекор қилиниб, солиқ тури 13 тадан 9 тагача камайтирилди, айрим солиқлар ставкаси 2 баробар пасайтирилди. Валюта бозори либераллаштирилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди, фойда солиғи эса фаолият турига қараб 5 — 15 фоизни ташкил этмоқда. Қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда фаолият юритувчи корхоналар фойда солиғи тўлашдан тўлиқ озод этилди.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича ижобий ўзгариш суръати 6 фоизга тенг бўлди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичи муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин захираси барқарорлиги таъминланмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши мажлиси форматидаги тадбирлар мамлакатимизда айни йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давомидир.

Дарҳақиқат, маҳаллий ва хорижий инвесторларга яратилаётган қулайликлар натижасида Европа бизнеси вакилларида Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортяпти. Учрашувда, шуларни инобатга олган ҳолда Германия ишбилармон доиралари билан "яшил" энергетика, рақамлаштириш, инсон ва меҳнат ресурслари, озиқ-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, металлургия, кимё, автомобилсозлик, электротехника ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида республикамизда фаолият юритаётган "Knauf", "Klaas", "Papenburg", "Falk Porsche", "Siemens", "Linde" сингари қатор нуфузли компаниялар фаолияти эътироф этилди. "Deutsche Bank", Германия тараққиёт банки "KfV", "Commerzbank" каби молия муассасалари мамлакатимиз тараққиётига фаол кўмаклашаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши мажлиси доирасида бизнес форуми ҳам ўтказилди. Тадбирда ўзаро товар айирбошлаш миқдорини ошириш, турли соҳада қўшма инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўз навбатида, немис компаниялари илғор тажрибаси асосида ахборот технологиялари, "яшил" энергетика, транспорт, инфратузилмани ривожлантириш каби муҳим йўналишлар бўйича янги лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.

— Учрашувлар ҳамкорликнинг асосий мезонини белгилаб, янги "Йўл харитаси" ишлаб чиқишга хизмат қилади, — деди "Deutsche Invest Capital Partners" компанияси бошқаруви директори Армин Вэйланд. — Компаниямиз Ўзбекистон билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Биз ёш ҳамшираларга немис тилини ўргатиш, уларни Германияда иш билан таъминлаш ва малакасини оширишга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга оширяпмиз. Бугунги конференцияда қарийб юзга яқин Германия компаниялари иштирок этди. Бу мамлакатимиз бизнес вакилларида юртингизга қизиқиш кучли эканидан далолат беради. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий муҳит ҳукмрон, мамлакатингиз халқаро ҳамкорлар учун доим очиқ. Айни шу жиҳатлар муваффақиятингизнинг асосий омилидир.

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги мажлиси турли соҳада қўшма инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича ҳамкорликни янада ривожлантириш каби муҳим масалалар муҳокама қилингани билан самарали бўлди.

**Марҳабо МАДАМИНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖСТГА АЪЗОЛИК САРИ ҚЎЙИЛАЁТГАН ҚАДАМЛАР ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

*Тошкентда "Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон ҳукумати томонидан Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси кўмагида ташкил этилди.*
*Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори доктор Нгози Оконжо-Ивеала хонимнинг юртимизга расмий ташрифи доирасида ўтказилган анжуман Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнидаги муҳим босқич ҳисобланади.*

Конференция

Тадбирда мамлакатимизда сўнгги етти йилда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самаралари ва бу борадаги ривожланишни тезлаштириш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган режалар ҳамда ЖСТга аъзо бўлиш жараёни муҳокама қилинди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчиси Саида Мирзиёева, Жаҳон савдо ташкилоти бош директори доктор Нгози Оконжо-Ивеала ва Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Жамшид Хўжаев сўзга чиқди.

Саида Мирзиёева ўз чиқишида таъкидлаб ўтганидек, "Президент Шавкат Мирзиёев қатор давлат корхоналарининг эксклюзив ҳуқуқларини бекор қилувчи Фармонни имзолади. Зеро, ушбу кўп йиллик муаммо аксарият давлат корхоналарининг бозор иқтисодиётига ўтиш имконини, пировардида эса хусусий сектор учун тенг имкониятларни чеклаб келган.

Президент ёрдамчиси, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш борасидаги қатъий ниятини яна бир бор тасдиқлади ва бу мақсадга эришиш учун қўйиладиган қадамларни санаб ўтди:

— Асосий мақсадимиз даромади ўртачадан юқори давлатлар қаторига қўшилиш, — деди Саида Мирзиёева. — Бу аҳоли фаровонлигини барқарор иқтисодий ўсиш ҳисобига оширишни назарда тутади. 2030 йилга бориб мамлакатда ЯИМни икки баробар ошириш, камбағаллик даражасини 7 фоизга тушириш ниятидамиз.

ЖСТ бош директори Ўзбекистон томонидан иқтисодий муҳитни яхшилаш учун амалга оширилаётган салмоқли саъй-ҳаракатларни қайд этиб, ЖСТга аъзо бўлиш жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлида муҳим қадам бўлишига ишонч билдирди.

Республикамиз иқтисодий ислоҳотлар ва миллий қонунчиликни ЖСТ қоидаларига мувофиқлаштириш борасида муайян натижаларга эришаётгани эътироф этилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ЖСТ келишувларига мувофиқ, 30 та норматив ҳужжат қабул қилди, 14 давлат билан икки томонлама музокарани якунлади. Ушбу ислоҳотлар мамлакатимизни глобал қўшилган қиймат занжирига интеграция қилиш, ташқи бозорни кенгайтириш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Бу жараёнда ЖСТга аъзо бўлиш муҳим аҳамият касб этиб, халқаро савдо муносабатларини яхшилашга кўмаклашади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2024 йил 24 май куни Швейцариянинг Женева шаҳрида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича Ишчи гуруҳнинг 8-йиғилиши ўтказилди. Тадбирда мамлакатимиз делегацияси иштирокида ЖСТнинг барча аъзо давлатлари билан келишилган Ишчи гуруҳ ҳисоботи лойиҳаси элементлари муҳокама қилинди. ЖСТ келишувларига миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш бўйича ислоҳотлар тақдим этилди, илк бор қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриб чиқиш бўйича кўп томонлама муҳокама ўтказилди.

Конференция доирасида панель сессиялари ҳам бўлиб ўтди. Сессияларда парламент аъзолари, вазирлик, идоралар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Биринчи сессияда 2017 — 2023 йиллар стратегиясига мувофиқ амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва 2030 йилгача бўлган Янги Ўзбекистон стратегиясида кўзда тутилган кейинги чора-тадбирлар таҳлилий муҳокама қилинди. Халқаро савдо тизими, жумладан, ЖСТга интеграция жараёнининг аҳамияти таъкидланди.

Сессияда Президентнинг иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Равшан Ғуломов, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Татьяна Проскурякова ва Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Коба Гвенетадзе иштирок этди.

Иккинчи сессияда миллий қонунчиликни ЖСТ келишувларига мувофиқлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар муҳокама қилинди. Мутахассислар қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингани, божхона тартибини соддалаштириш ва тезлаштиришда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бергани, озиқ-овқат хавфсизлиги ва техник тўсиқларни бартараф этиш бўйича халқаро стандартлар қонунчиликка жорий қилинаётгани қайд этилди.

Халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий тенденциясини эътироф этиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга эришиш бўйича саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди.

— Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилиш борасида олиб бораётган тизимли ҳаракатларини ижобий баҳолаш мумкин, — деди Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатимиздаги вакили Коба Гвенетадзе. — Охирги етти йил мобайнида мамлакатда иқтисодиёт, савдо-сотиқ соҳаларида кескин ривожланиш кузатилди. Ишонамизки, ислоҳотлар шу зайл давом этса ЖСТга қўшилиш тез фурсатларда амалга ошади. Ташкилотга аъзолик Ўзбекистонга катта имкониятлар беради. Бу ўзгаришлар вилоятлар иқтисодий жиҳатдан кучайишига ёрдам беради. Экспортнинг ҳажми ва географияси кенгаяди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши дунё миқёсида мамлакат мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Конференция доирасида экспертлар давлат раҳбари томонидан 2024 йил 3 июнь куни имзоланган муҳим Фармоннинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Мазкур ҳужжат мамлакатда амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларнинг давоми сифатида ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини тезлаштиришига ёрдам бериши таъкидланди.

Анжуман Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, шунингдек, ЖСТ халқаро стандартларига амал қилиш бўйича қатъий интилишини кўрсатади.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Тошкентда Ўзбекистон — Миср бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки давлат ишбилармон доира вакиллари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор келишувларга эришилди.**

# ВАТАН УЧУН ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

*"Халқ сўзи" газетасининг 22 май сонида чоп қилинган сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Шавкат Мирзиёев: мен умримни шу халққа тикканман!" сарлавҳали мақоласи инсонларни чуқур мулоҳазага, мушоҳадага чорлайди, қалбида бугунги кундан розилик ва шукроналик туйғуларини оширади. Унда мамлакатимизда кечаётган ҳаётбахш ўзгаришлар, янгиланишлар салмоқли фикрлар, аниқ мисоллар, факт ва далиллар асосида очиб берилган.*

## Акс садо

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида янги Ўзбекистон инсон қадри устувор бўлган, демократик қадриятлар, шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари эъзозланадиган, обод ва фаровон мамлакатга айланиб бормоқда. Бундан, албатта, жуда хурсанд бўламиз, фахр-ифтихор туямиз.

Давлатимиз раҳбарининг мақолада урғу берилган қуйидаги фикри ана шу қувончимизни янада ошириб, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди:

*"Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, невералари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари равон бўлсин деб ишга келдим..."*

Чиндан ҳам, юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Ўзбекистон ижтимоий давлат тамойилининг янги таҳрирдаги Конституциямизда акс этиши инсон қадрини янада улуғлаш, ҳозирги ва келгуси авлодларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ижтимоий давлатда барқарор ривожланишнинг муҳим мақсади — аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигига кўмаклашиш, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда маънавий-маданий соҳаларнинг мунтазам тараққий этишини таъминлаш, самарали ижтимоий суғурта таъминотини йўлга қўйиш, жамиятда кескин ижтимоий фарқланиш ва тенгсизликка йўл қўймаслик, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратишдир.

Мамлакатимизда таълим масаласи куннинг биринчи даражали мавзуларидан бирига айланди. Дунёнинг илғор давлатлари тажрибасига ҳам эътибор берсак, уларда ёшлар таълим-тарбияси асосий ўринда турганига гувоҳ бўламиз.

Мақолада юртимизда кейинги йилларда таълимнинг барча соҳаси ва педагоглар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ислоҳотлар, улар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар жуда таъсирли мисоллар билан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, муаллиф бир пайтлар таълим тизимига адолатсиз ёндашув муаллимнинг обрўси, шаъни, қадри ҳаминқадар баҳолангани, бунинг оқибатида аксарият эркак ўқитувчилар ўз касбини ташлаб кетишга мажбур бўлганини ҳам таъкидлайди.

Шукрки, бугун халқимиз ривожланишнинг янги даврига дадил қадам қўйди. Ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўзгаришлар жадал рўй бермоқда. Хусусан, таълим тизими мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ кейинги йилларда айни жабҳада Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тизимининг пайдо бўлгани ва уларнинг битирувчилари дунёнинг энг нуфузли университетларига кириш учун грантларни ютиб олаётгани кишини қувонтиради. Таълимнинг жаҳон андозаларига мос бундай тизими бугун вилоятларда татбиқ этилаётгани эса, албатта, барчамиз учун юксак фахрдир.

Мамлакатимизда олий таълимдаги ислоҳотларнинг ўзи алоҳида, катта ҳажмдаги мавзу бўла олади. Бугун юртимизда ОТМлар сони 210 тадан ошгани, улар орасида дунёнинг нуфузли университетлари филиаллари ҳам борлиги, олий таълим қамрови эса мунтазам ошиб бораётгани келажагимиз пойдевори учун энг зўр имкониятдир.

Ҳа, бугун ёшларимизда олий маълумотли бўлиш учун ўқишга кириш имкони ниҳоятда кенг. Бир абитуриент бир пайтнинг ўзида бир неча олийгоҳга ҳужжат топшириши ва талаба бўлиши мумкин. Мана сизга қулайлик!

Буларнинг барчаси донолик билан узоқни кўзлаган, юксак тажриба ва кенг мушоҳадали, кечани кеча, кундузни кундуз демай халқ учун, миллат учун, ёшларимиз келажаги учун жон куйдириб меҳнат қилаётган, юртимизда инсон қадрини энг муҳим даражага олиб чиққан, одамлар ҳаётини тубдан янгилаб, ўзгартириб юборган янги Ўзбекистон меъмори — Президентимизнинг ўткир зеҳни, фидойилиги, Ватанимизга меҳр-муҳаббати натижасида эканини қалбан ҳис қиламиз. Амалга оширилаётган ишларда янада фаол бўлишга, зиммамиздаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга интиламиз.

Зотан, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг мақоласида таъкидланганидек, умрини халқ учун тиккан Миллат Лидерининг қатъияти, Ватанга ва миллатга бўлган сўнмас муҳаббати, ишонамизки, янги Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини яратиш йўлида барчамиз учун илҳом сарчашмаси бўлиб хизмат қилажак.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Урганч давлат университети ректори,**
**физика-математика фанлари доктори, профессор.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРАДИ

*Бугунги кунда туризм дунё мамлакатларида миллий иқтисодиётга салмоқли даромад келтирувчи соҳалардан бири саналади. Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотига кўра, мазкур соҳа даромади йилига 2,5-3 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.*

## Муносабат

Президентимиз раислигида шу йил 3 июнь куни ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, соҳа олдида турган муаммолар ечими бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бугун Қашқадарё вилоятида ҳам мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда туризм инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Бу бежиз эмас. Сабаби пурвиқор тоғлари, зилол сувларию, бетакрор табиати, ноёб тарихий обидалари ила ажралиб турадиган бу ҳудудни ҳар бир сайёҳ бир марта бўлса-да, бориб кўришни орзу қилади.

Шаҳрисабз 2000 йиллик тарихга эга шаҳар сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси репрезентатив рўйхатига ҳам киритилган. Қолаверса, Шаҳрисабз шаҳри Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг "2024 йилдаги туризм пойтахти", деб эълон қилинган. Ҳозирги кунда инвесторлар томонидан Шаҳрисабз туманидаги Ғелон ва Сарчашма қишлоқлари орасида тоғ-чанғи мажмуасини ташкил қилиш ишлари олиб борилаётган бўлса, Мираки қишлоғи бўйича ҳам мастер режа ишлаб чиқилмоқда.

Вилоятда туризм инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилган 2023-2024 йилларга мўлжалланган қиймати 105 млн. долларлик 151 та ҳудудий инвестиция лойиҳасидан 93 таси тўлиқ ишга туширилди. Туризм ва ёндош соҳаларда эса 14 204 та иш ўрни яратилди. Тармоқда амалга оширилаётган ишлар натижасида 2023 йилда вилоятга 2 млн. 109 минг нафар маҳаллий, 222 минг нафар хорижий сайёҳлар ташриф буюрди. Туризм хизматлари экспорти эса 45 млн. долларга етказилди.

Шу саъй-ҳаракатлар туфайли бугун воҳага сайёҳлар оқими кенгаймоқда. Масалан, 2024 йилнинг 1 май ҳолатига кўра, 511 минг нафар маҳаллий, 121 минг нафар хорижий туристлар жалб қилиниб, туризм хизматлари экспорти 24,1 млн. АҚШ долларига етказилди. Йил якунига қадар хорижий сайёҳлар оқимини 500 мингга, маҳаллий туристларни 4 миллионга, туризм хизматлари экспортини 100 млн. долларга етказиш мақсад қилинган.

"Шаҳрисабз" туристик маркази ҳудудида бошланғич қиймати 8 млрд. сўмлик 6,3 гектар ер майдони 8 та лотга бўлиниб, аукцион савдолари орқали тадбиркорлик субъектларига сотилган. Бу, ўз навбатида, туризм драйверлари бўлмиш зиёрат, эко, этно ва гастротуризм йўналишларини ривожлантиришга қаратилган концепцияни самарали амалга ошириш имконини бермоқда.

***Президентимиз Қашқадарёга ташрифлари давомида вилоятнинг тўрт фаслда ҳам туристларни жалб қилиш салоҳиятига эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу боис вилоятда туризм инфратузилмасини яхшилаш, экотуризм ва бошқа йўналишларда салоҳиятни юксалтиришга катта эътибор қаратилаётир.***

***Белгиланган қатор чора-тадбирларга кўра, биринчи галда Шаҳрисабз шаҳри ва туманида туризм кластери ташкил қилинади. 33 километрли Ҳисорак — Ғелон ва Ҳисорак — Сарчашма йўллари кенгайтирилиб, таъмирланади. Чироқчи — Шўрқудуқ автомобиль йўли яхшиланиб, Самарқанддан Шаҳрисабзга қатнов вақти қисқартирилади.***

Соҳада амалга оширилаётган шу ва яна бир қатор истиқболли лойиҳалар Қашқадарёнинг тўрт фаслда ҳам сайёҳларни муносиб кутиб олишга қодир ҳудуд сифатида янада танилиши ва воҳага ташриф буюрадиган туристлар оқимининг кенгайиши, шунингдек, тармоқда банд бўлган фуқаролар сони кўпайиши ва уларнинг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Энг муҳими, бу соҳа кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Туризм соҳасида олинган даромаднинг бир қисмини туризм объектларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига йўналтириш, шубҳасиз, ҳудудларда барқарор экологик тараққиётни таъминлаш, атроф табиий муҳитни келажак авлодлар учун асрашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш учун, биринчи галда, хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш, қулай транспорт воситалари билан таъминлаш ва албатта, Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳиятини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лекин транспорт билан боғлиқ масалалар туризм ривожига халал бермоқда. Чунки хорижликлар учун Ўзбекистоннинг дарвозаси, бу — аэропорт.

Шу боис йиғилишда ушбу масалага алоҳида тўхталиниб, Транспорт вазирлигига халқаро рейсларни кўпайтириш, барча қатновлар ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди. Бу эса сайёҳлар кўламини ошириш билан бирга, пировардида янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, Қашқадарёда жонли табиати, мусаффо ҳавоси, бир-биридан гўзал манзаралари билан сайёҳларни ўзига тортадиган масканлар кўп. Уларда туризмни ривожлантиришдан барчамиз бирдек манфаатдормиз.

**Ислом ХУШВАҚТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# АБИТУРИЕНТЛАРНИНГ ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАРИ БОШЛАНДИ

*Мамлакатимизда 5 июндан 2024/2025 ўқув йилида олий ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун абитуриентларни онлайн рўйхатга олиш бошланди. У айни пайтда "my.uzbmb.uz" сайтининг "Олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул" бўлими орқали бажарилмоқда ва 25 июнга қадар давом этади.*

*Давлат олий таълим муассасалари бакалавриатига қабул жараёни икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда абитуриентлар тест синови топшириш учун онлайн рўйхатдан ўтади ва агар тест синовида иштирок этса, фанлар мажмуаси, таълим тили ҳамда тест топшириш ҳудудини белгилаши зарур. Агар талабгор алоҳида иқтидор талаб қилинадиган таълим йўналишларида ўқиш истагини билдирса, касбий ёки ижодий имтиҳондан ўтади ва таълим тили, тест топшириш ҳудуди, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналиши, давлат олий таълим муассасасини белгилаши даркор.*

## Таълим



Иккинчи босқичда эса тест синовлари тўлиқ якунланганидан сўнг 15 кун давомида "my.uzbmb.uz" сайти орқали олий таълим муассасаси, бакалавриат таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлаши лозим.

Талабгорларнинг тест синовида тўплаган баллари тест синови ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабаликка тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича танлов натижаси қабул жараёнининг иккинчи босқичи тўлиқ якунланганидан сўнг бир ҳафта муддатда расмий веб-сайтда эълон қилинади.

Коллеж ва техникумларда ўқиш истагини билдирган абитуриентлар "Аввал тест, сўнг танлов" тамойилига мувофиқ олий таълим муассасаларига қабулнинг якуний натижаси эълон қилинганидан сўнг 10 кун муддатда коллеж ёки техникум, касб ва мутахассислик ҳамда таълим шаклини танлайди. Якуний танлов натижаси бир ҳафта муддатда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

— Жорий йилда олий ва профессионал таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича имтиҳонлар янги тамойилга мувофиқ бир вақтда ўтказилаётгани абитуриентлар учун ажойиб янгилик бўлди, десак, янглишмаймиз, — дейди Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги директори маслаҳатчиси Зоҳид Шакаров. — Эндиликда улар ўз танловига кўра тест синови натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб, дастлаб олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишларига, кейин эса профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш имконига эга бўлишади.

Хўш, жорий йил билим олиш иштиёқида ёнаётган, ҳаяжонли дамларни кутаётган абитуриентларга яна қандай янгиликлар бор? Улар учун яна қайси имкониятлар тақдим этилмоқда?

Айтиш жоизки, мамлакатимизда таълим муассасаларига тест топшириш ва таҳсил олиш жараёнлари билан боғлиқ ислоҳотлар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жорий йилда ҳам бу эзгу ва хайрли анъана давом этди. Хусусан, шу йилнинг 25 май санасида давлатимиз раҳбарининг "Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Мазкур ҳужжат олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш ҳамда давлат гранти ажратиш механизмларини такомиллаштириш, ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, кадрлар тайёрлашни иқтисодиётнинг ривожланаётган тармоқ ва соҳаларига манзилли йўналтиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Фармонга мувофиқ 2024/2025 ўқув йили қабулидан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилади. Бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно.

Давлат буюртмаси бўйича квоталар тақсимотида муҳандислик, тиббиёт, аниқ ва табиий фанлар билим соҳаларига устуворлик берилиши ҳам ушбу йўналишларда ўқишни истаган талабгорлар учун янги имкониятлар эшигини очади, десак, муболаға эмас.

Шунингдек, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб талабаларга давлат гранти ижтимоий-рағбатлантирувчи грант ва таълим гранти шаклида ажратилади. Яъни ижтимоий-рағбатлантирувчи грант қонунчиликда белгиланган имтиёз бўйича давлат гранти асосида ва мақсадли қабул доирасида ўқишга қабул қилинган талабаларга, шунингдек, тармоқ ва соҳаларнинг, давлат органлари ва ташкилотларнинг грантлари соҳиблари ҳамда таълим гранти давлат буюртмаси параметрлари доирасида олий таълим ташкилотига қабул қилинган талабалар учун ажратиладиган бўлди.

Янги ўқув йилидан бошлаб бакалавриат ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилади. Пировардида, биринчи курсда олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабалар таълим гранти асосида таҳсил олишлари мумкин. Таълим гранти эндиликда иккинчи ва ундан кейинги курсларда юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ҳамда ижтимоий фаол талабалар орасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади.

Ижтимоий-рағбатлантирувчи грант соҳиби бўлган талабаларга эса давлат гранти уларнинг ўқиш даври учун тўлиқ ҳажмда тақдим этилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб таълим гранти асосида таҳсил олган талабаларнинг ўқишни тамомлаганидан сўнг камида уч йил ишлаб бериш мажбурияти бекор қилингани ҳам ажойиб хушхабар.

Жорий ўқув йилидан бошлаб имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка тавсия этиш учун асос бўлувчи имтиёзга эга абитуриентлар Давлат комиссиясининг қарорига асосан таълим шаклидан қатъи назар, рўйхатдан ўтишда имтиёз амал қиладиган доирада танлаган биринчи бакалавриат таълим йўналишига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

Халқаро спорт мусобақалари ғолиблари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишларига спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатъий риоя этилган ҳолда имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши ҳам яхши янгилик бўлди.

— Мамлакатимизда илмга чанқоқ ёшлар учун йилдан-йилга янги имкониятлар эшиги очилмоқда, бу эртага, албатта, ўз натижасини кўрсатади, — дейди абитуриент Бону Фарҳодова. — Бола пайтимиз акаларимиз ўқишга топшириш учун ҳужжатларини кўтариб сарсону саргардон бўлиб юрганини кўрардик. Ҳозир бундай гаплар йўқ, ўқишга топширмоқчи бўлсангиз, шундай сайтга кирасиз, ОТМни танлайсиз, ҳужжатларингизни юклайсиз, тамом. Ортиқча оворагарчилик йўқ, бемалол тестларга тайёрланишда давом этишингиз мумкин. Асосийси, билимларингиз мустаҳкам, ўзингизга ишончингиз баланд бўлса, талабалик бахтига мушарраф бўласиз.

Таъкид шуки, олий маълумот олиш истагидаги юртдошларимиз учун кенг шароитлар, янги имкониятлар тақдим этилмоқда. Бу эса юртимизда олий таълимнинг жозибадорлигини янада ошириб, ўз кучига, билим ва салоҳиятига ишонган ёшларни янги марралар сари руҳлантиради.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «Riyadh» газетаси:

# «Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси»

*Саудия Арабистонининг оммабоп "Riyadh" газетасида мазкур нашр мухбири Абдулазиз Али ал-Шаҳрийнинг Самарқанднинг бой маданий ва тарихий меросига бағишланган мақоласи чоп этилди.*

## Дунё нигоҳи




Муаллиф мазкур мақолада Самарқанд шаҳрига қилган сафар таассуротларини қоғозга туширган. "Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳри бир неча асрлар давомида қадимги Буюк Ипак йўлининг йирик маркази бўлган. XXI аср бошларида Самарқанд шаҳри ва унинг тарихий архитектура ва археологик ёдгорликлари "Самарқанд — маданиятлар чорраҳаси" номи билан ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига кирган", дейилади нашрда.

Газета мухбири ушбу шаҳарга келганида бу ердаги тарихий ва археологик ёдгорликлар уни ҳайратда қолдирганини таъкидлаган. "Шунинг учун Бибихоним мадрасаси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Амир Темур мақбараси каби энг машҳур, диққатга сазовор жойларни зиёрат қилиш ҳаракатида юрдим. Регистон майдони, Афросиёб кўҳна манзилгоҳи, шунингдек, ипакчилик корхонаси, қадимий қоғоз ишлаб чиқариш заводи ва бошқа кўплаб объектларда бўлдим", дея давом этади у.

Мақолада, ушбу мафтункор шаҳар Рим ва Бағдод каби дунёнинг машҳур қадимий пойтахтлари билан тенгдош экани хабар қилинган. Шаҳар тахминан 2750 йил муқаддам вужудга келган ва бу унга нафақат Марказий Осиё, балки дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири деб номланиш ҳуқуқини беради. Самарқанд шаҳри тараққиётининг энг юқори чўққиси Амир Темур ва темурийлар даврига тўғри келади.

"Самарқандга келганингизда машҳур Регистон майдонини зиёрат қилмасдан иложингиз йўқ. Бу каби ислом архитектурасининг ноёб намунасини мен дунёнинг ҳеч бир жойида кўрмаганман. Бу диққатга сазовор жой 17 йил давомида энг моҳир уста ва қурувчилар томонидан бунёд этилган. Яхлит меъморий ансамбль учта қадимий обидани қамраб олади", деб ёзади журналист.

**«Дунё» АА.**
Ар-Риёз

Эълон

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг 2024 йил 5 июнь сонида чоп этилган 2023 йил якуни бўйича "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши тўғрисида хабарноманинг 8-бандида "Акциядорларга йиллик умумий йиғилишнинг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2024 йил 3 июнь" деб келтирилган сана 2024 йил 28 май, деб ўқилсин.

**Банк ахборот хизмати.**

**Жорий йилнинг 27 — 30 июнь кунлари Жиззах вилоятининг Зомин туманида II халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 054 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6